



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

32 (249) 2013 йил 21 август, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Жамиятимизнинг барча соҳаларида чуқур демократлаштириш жараёни кечаётган ҳозирги даврда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳлари олдига масъулиятли вазифалар турибди.



Фан, таълим маданият, маънавият ва маърифат соҳалари вакиллари ЎзМТДПнинг асосий ижтимоий қатлами ҳисобланиб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа саналади.



Юртимизда кўли гул хунармандларнинг меҳнатларини муносиб тақдирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада хотин-қизлар орасидан кўплаб иқтидор соҳиблари юзага чиқмоқда.



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

4 ПАРЛАМЕНТ

8 КЎЗГУ

Хабарлар

"Марғилон мушоираси"

Марғилон шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан "Марғилон мушоираси" деб номланган ёшлар анжуманида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ёш ижодкорлар иштирок этди.

Президентимиз Исломо Каримовнинг "Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида билдирилган фикрлар, 2010 йил 26 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тадбирда ёш ижодкорларнинг асарлари бадиий-ғоявий жиҳатдан атрофлича таҳлил этилиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди. Ёш ижодкорларнинг Ватан ва истиқлолни тараннум этувчи шеърлари ўқилди.

Илмий-амалий семинар

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида барқарор ривожланишга хизмат қилаётган инновацион ихтироларга бағишланган илмий-амалий семинар бўлди.

Тадбир давомида Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури доирасида мамлакатимиз илм-фан муассасалари олимлари ва амалиётчилар ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган экологик соф технологиялар ярмаркаси намойиш этилди.

Кўргазмада намойиш этилган деҳқончилик, фитомелиорациянинг янги асослари, биогаз олиш технологиялари, каналларни изоляциялаш, томчилатиб суғориш, кичик гидростанциялар куриши, ўрмонларни асраш, деградацияга учраган ерларда индигофера ўсимлиги етиштиришга оид стендлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Муносиб тўхфа

Энг улуг, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Кўнгирут туманида 20 хонадонга мўлжалланган икки қаватли янги турар-жой фойдаланишга топширилди. Янги уйлар туман ички ишлар бўлими ходимларига берилди.

— Мамлакатимизда аҳолининг турмуш ободлигини таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида замонавий андозадаги турар-жойлар, янги кўчалар, обод қишлоқлар буй кўрсатмоқда, - дейди туман ички ишлар бўлими ходими Ажиниёз Холмуратов. — Биз ҳам барча қулайлик ва шароитларга эга шундай янги уйга эрга бўлдик. Бунинг учун давлатимиз раҳбари Исломо Каримовга чуқур миннатдорлик билдираюмиз.

Фракция ҳаёти



Депутатлар ташаббуси билан

ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси сиёсий партияларга янада кенг ваколат беради

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳуқуқшунослар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Фракция аъзолари дастлаб «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди. — Истиқлолнинг ўтган йигирма икки йилли мобайнида мамлакатимизда жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар тизимли равишда, босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда, - деди йиғилишни кириш

сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев. — Ҳусусан, демократик жамият қуришнинг муҳим шарты — кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдларига қўйган мақсад ҳамда вазифаларини амалга оширишлари учун мустақам ҳуқуқий база яратилди. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сай-

лов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар, қонун ости ҳужжатлари шулар жумласидандир. Айниқса, 2007 йилда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролин кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси олдига турган вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган навбатдаги қадам бўлди.

2-бет

Хотин-қизлар Форуми

Оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистоннинг бахтидир.

Исломо КАРИМОВ

"Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли"

Самарқандда ўтказилган Форум хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилди

Қадимдан ўзбек аёллари қамол фарзанд тарбиялаш билан бир қаторда жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келишган. Оналаримизнинг жасорати, қаҳрамонликлари, шарқона донишмандликлари ўтмиш тарихимиз зарваракларини нурландириб туради. Бугунга келиб умуминсоний қадриятларни қадрловчи, инсонни азиз тутувчи жамият қуриш, буюк келажак пойдевориши яратиш, халқимизнинг ҳеч қимдан қам бўлмаган бахтли ҳаётини яратиш йўлида дадил одимлаймиз. Энг муҳими, ана шу жараёнда аёлларнинг ўрни табора мустақамлашиб, кучайиб бормоқда. Улар эндиликда депутат, раҳбар, тадбиркор, ижодкор, бунёдкор. Айниқса, мустақиллик даврида туғилиб, қамолга етган қизларимизнинг муваффақиятлари кишини қувонтиради.

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан "Обод турмуш йили" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22-йиллигига бағишланган "Мустақиллик — бахт ва фаровонлик асоси" мавзусида давра суҳбати, "Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли" деб номланган мақолалар танловининг якуний республика босқичини ўзда жамлаган хотин-қизлар Форуми ўтказилди. Тадбир

2-бет

ЎзМТДП ташкилотларида

Фаолият самарадорлигини ошириш

борасидаги долзарб масалалар ҳудудий ташкилотлар пленумларида муҳокама этилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий Кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишларда ҳудудий партия ташкилотларининг жорий йил ўтган олти ойлик фаолияти якунлари танқидий таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. ЎзМТДП Фарғона, Наманган, Тошкент вилояти ва шаҳар Кенгашлари пленумларида партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов иштирок этиб, маъруза қилиб, жумладан шундай деди: — Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йиғирма икки йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Респуб-

каси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам ушбу кутлуг санади муносиб қутиб олиш учун иш дастурларини белгилаб, уни амалга оширишмоқдалар. Ҳусусан, ҳозирги пайтда ҳудудий партия ташкилотлари томонидан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримам, Мустақил Ўзбекистон!" шiori остида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Этироф этиш жоизки, бугунги кунда соҳада яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар боис сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда роли табора ортиб бормоқда. Айниқса, парламент палаталари кўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифалар, ғоя ва мақсадлар сиёсий партияларнинг ваколат ҳамда имкониятларини янада кенгайттирмоқда, - деди партия етакчиси.

3-бет

Ҳуқуқий эксперимент

Давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган ғоя, таклиф, қонунчилик ташаббусларининг амалиётга босқичма-босқич жорий этилаётгани жамиятни модернизация қилиш жараёनларини янги босқичга олиб чиқди.

Ахборот соҳасини ИСЛОҲ қилиш замонавий тараққиётнинг муҳим шарты

Концепцияга мувофиқ "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкиклиги тўғрисида" Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш механизмларини мустақамлаш назарда тутилган.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



(Давоми.
Боши 1-бетда)

Фракция ҳаёти

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мамлакатимизда парламентаризм ва сиёсий партиялар фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди.

Таъкидлаш лозим, мазкур Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари изчил амалга оширилмоқда. «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» га сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қатор қонунларнинг қабул қилиниши давлат сиёсий тузилмасида вакиллик ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Нотиқ ўз сўзида давом этар экан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам юқоридаги саббобларнинг мантаний давоми эканига эътибор қаратади.

— Эътироф этиш жоиз, бугунги кунда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан сиёсий партиялар демократик ислохотлар марказига чиқмоқда. Натijaда сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишдаги нукта-назари кучайди. Шундай экан, замон талабларидан келиб чиқиб, бундан буён ҳам давлат ва жамият қурилиши тизимида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш чораларини кўриб бориш долзарб аҳамият касб этади. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ушбу мақсадга қаратилган.

Муҳими, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари аъзолари бўлган бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, шубҳасиз, келгусида сиёсий партияларнинг мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг нафақат кўллаб-қувватловчилари, балки энг фаол иштирокчилари сифатида ўзларини намойён этишларига қулай имконият яратди, - дея сўзида давом этди фракция раҳбари. — Шу билан бирга, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам давлат дастурларининг бажарилишида фаол қатнашиш, жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш борасида самарадорликни янада кучайтириш имконини беради. Қолаверса, ўз дастурий мақсад ва вазифаларининг, сайловда Платформамизда электорат манфаатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш муваффақиятини таъминлашда ҳам ушбу қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутаяди.

Муҳокамалар чоғида сўзга чиққан фракция аъзолари ушбу



Депутатлар ташаббуси билан

ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси сиёсий партияларга янада кенг ваколат беради

қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишдаги иштирокини янада кучайтириш, улар томонидан сиёсий партияларнинг сайловдаги Платформасида кўзда тутилган вазифалар ва дастурий мақсадлари рўёбга чиқаришдаги фаоллигини, шунингдек, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилиши таъкидлашди. Бўлиб ўтган қизғин баҳс-мунозаралар, билдирилган фикр, таклиф-мулоҳазалардан сўнгра қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқида концептуал жиҳатдан кўллаб-қувватланди.

Депутатлар «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқишди. Унинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектлари учун янада кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг қонун ҳукми ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ҳамда «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Ҳақамлик судлари тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда миллий қонунчилик ҳамда тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солуви хорижий тажриба атрофича ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасида мустаҳкамлаш, шунингдек, соҳадаги ишларнинг судлар томонидан янада сифатли ва ортиқча сансаларликларсиз кўриб чиқишига эришиш мақсадларига хизмат қилади.

Мазкур масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасида белгиланган нормалар ЎзМТДПнинг сайловдаги Ҳаракат дастури ва ғоявий мақсад-муддаоларида кўзда тутилган, партия электорати бўлиши хунармандлар, оливий тадбиркорлар, касаначилар, сәрвиз соҳаси ва туризм йўналишида фаолият олиб бораётган ишбилармон-

ларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини қўллаб-қувватлаш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантиришда ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашди. Фракция аъзолари ўз таклифлари,

филар мулоҳазаларини баён этишигандан сўнгра ушбу қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқида концептуал нукта назардан маъқулланди.

Йиғилишда фракция ваколатлари доирасида бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ташаббускори:

— Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш заруриятини сиёсий партияларнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва масъулиятини янада ошириш, улар томонидан сиёсий партияларнинг дастурий вазифаларини, сайловчиларнинг манфаатларини ифодалашини янги, янада самаралироқ механизмларини ишлаб чиқишни талаб қиладиган тобора чуқурлашиб бораётган демократик ислохотлар жараёни тақозо этди. Унинг асосий мақсади халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Давлат вакилик органларидаги партия гуруҳларининг қонун билан белгилаб қўйилган ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги ушбу қонун лойиҳасининг ҳаётга жорий этилиши юртимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнини янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Қонун лойиҳасида партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларида ҳамда вилоятлар марказлари ҳисобланган шаҳарлардаги партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори беш нафардан иборат бўлиши лозимлиги қатъий белгиланмоқда. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобатнинг янада кучайишига ва партия гуруҳларининг қабул қилинган қонунлар маҳаллий ҳокимликлар томонидан жойларда қандай бажарилаётганини устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш жараёни янада фаоллаштиришга ҳамда сиёсий партияларнинг жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантиришга нисбатан таъсирчанлиги ошишига хизмат қилади.

Улугбек ЖАЛМЕНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ташаббускори:

— Сўнги йилларда юртимизда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ўз ваколатларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ифода этишдаги фаолликлари кун сайин ўсиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили партияимизнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига кўриб чиқиш учун хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир турли муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор таклифлар киритилди. Ушбу масалаларнинг кўпчилиги бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Лекин, амалдаги қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тутатиш шартлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва ўрни етарли даражада белгиланмаган.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида партия гуруҳларига тегишли вакилик органи кўмиталари ёки комиссиялари раислиги, раис ўринбосарлиги ва аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича, шунингдек, тегишли хуудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш каби мулақ ваколатлар берилмоқда. Бунда қарор депутатларнинг яридан кўри қўллаб-қувватлаган тақдирдагина қабул қилиниши назарда тутилмоқда. Ўз навбатида, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифлари кўриб чиқиши шартлиги ҳам қонун лойиҳасида белгилаб қўйилмоқда.

Қамолиддин ҲОТАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Хотин-қизлар Форуми

“Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли”

Самарқандда ўтказилган Форум хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилди

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Форум иштирокчилари, дастлаб, вилоятдаги қўлигул хунардан аёлларнинг миллий урф-одатларимизни акс эттирувчи миллий либослар, касаначилик намуналари асосидаги кўргазмалар, шунингдек, IX-халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали олдида шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдилар.

Тадбирни ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Анвар Мирзаев қириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг эъозлаш, жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Шу мақсадда хотин-қизлар манфаатини ифодаловчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартишлар киритилиб, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар умумий миқдорининг камида 30 фоизини

хотин-қизлар ташкил этиши тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Жойларда репродуктив саломатлик ва перинатал марказлар очилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланди.

Форумда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Лобар Қосимова «Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари», ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳанифа Зоқирова «Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Дастури ва сайловдаги Платформасини амалга оширишда «Аёллар қаноти»нинг роли» мавзусида маъруза қилди.

Тадбир доирасида «Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли» деб номланган мақолада танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида фол деб топилган 14 нафар хотин-қизларни тақдирлаш маросими ўтказилди. На-

тижаларга кўра, олий ўрин Наманган вилояти вакили Соҳиба Аъзамова насиб этди. 1-ўринни ЎзМТДП Эллиқалъа туман Кенгаши Ёшлар ва хотин-қизлар ижтимоий - сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича раис ўринбосари Нарғиза Қўшнарзова қўлга киритди. ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» фаоли, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Шоира Имомова иккинчи, Қува туманидаги 44-умумтаълим мактаби ўқитувачиси, ЎзМТДП фаоли Дилрабо Абдулазимова учинчи ўринга сазовор бўлди. ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар эълон қилинди. Унга кўра, Хазорасп тумани «Хазораспнома» газетаси муҳаррири Жамила Усмонова, ЎзМТДП Иштихон туман Кенгаши етакчи мутахассиси Мадина Бақодирова, партия Қўйичирчиқ туман Кенгаши етакчи мутахассиси Нодира Бақирова голиб деб топилди. Танлов голибларига ЎзМТДП Марказий Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Сўз — форум иштирокчиларига

Зулфия БОБОЕВА, ЎзМТДП Навой вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» фаоли, «Дўстлик байроғи» газетаси мухбири:

— Бугунги кунда аёлларимиз жамиятда, оилада муносиб қадр топишлари учун уларнинг маънавий ва ҳуқуқий манфаатлари хар томонлама ҳимоя қилинган, деб айта оламиз. Бу борада ЎзМТДП ҳам ўзининг бир қатор лойиҳа ва режаларини ишлаб чиқиб, уларни хотин-қизлар ҳаётига кенг татбиқ этиш йўлида изчил иш олиб бормоқда. Бугунги форум ўзида улкан мақсадларни мужассам этгани билан аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, ҳозир сиёсий партиялар томонидан жойларда кўпга тадбирлар ташкил этилмоқда. Улар орасида бугунги тадбир муҳим ўрин тутаяди. Чунки, тадбирда партия ғоя ва мақсадлари атрофича қамраб олинди.

Хулқар ХУРРАМОВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— ЎзМТДП жамиятимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида турли танлов, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда. Бугунги тадбирга «Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли» танлови-

нинг вилоят босқичи голиблари таклиф этилган. Танлов иштирокчиси сифатида таклифим шундан иборатки, голиб деб топилган мақолалар билан барча партиядошларимиз бевосита танишиб чиқишлари учун ижодий ишлар жамланиб, тўплам ҳолига келтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Мухаббатхон ЖҲРАЕВА, ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Тадбир барчамизга кўтаринки руҳ бағишлади. Юртимизнинг гўзал ва навқирон гўшаси ҳисобланган Самарқанд шаҳри барчамизда катта таассурот қолдирди. Тадбир доирасида шаҳарнинг энг гўзал, қадимий зияратгоҳларига саёхат қилиш ва ўзаро таъриба алмашиш имконига эга бўлдик. «Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли» шiori доирасида ўтказилган ушбу тадбир хотин-қизларимизни янада фаолроқ бўлишга ундади. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, танлов мамлакатимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида ташкил этилгани ғояларимиз, мақсад-муддаоларимизнинг уйғунлигидан даълат беради.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Аёллар қаноти

“ДОНОЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК — СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИК МЕЗОНИ”

кўрик-танловнинг Навой вилоят босқичи ўтказилди

Хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиши уларнинг оила ва жамиятда ўз маънавиятига эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимизда мазкур масалага устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратиш мақсадда. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга иштирокчи.

Айни кунларда партиянинг хотин-қизлар йўналишидаги йирик лойиҳаларидан бири бўлган «Донилик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони» республика кўрик-танловининг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Беш йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ўтган йиллар давомида Навой вилоятининг 300 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Танловнинг бу йилги вилоят босқичи ҳам ўзига хос билимлар соҳасига айланган. Тадбирни ЎзМТДП Навой вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Анара Бобо муродова қириш сўзи билан очди: — Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодибаналари олдида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов хотин-қизларда

сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва жамият-сиёсий етакчилик мезони» республика кўрик-танловининг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Беш йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ўтган йиллар давомида Навой вилоятининг 300 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Танловда туман ва шаҳар босқичларида голиб чиққан 11 нафар иштирокчи ўзаро беллашди. Яқинда ЎзМТДП Кармана туман Кенгаши вакиласи, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳабидори Лайло Орзиева голиб деб топилди. Партиянинг Зарафшон шаҳар Кенгаши вакиласи Ирода Боймуродова иккинчи ўрин, Нурота тумани иштирокчиси Шаҳринисо Исроиловага учинчи ўрин насиб этди.

Голиб ва иштирокчилар ЎзМТДП Навой вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитасининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Лайло ОРЗИЕВА, танлов голиби:

— Ўз мазмун-моҳиятига кўра сиёсий аҳамиятга эга бўлган танловда илк мартаба иштирок этишим. Танловнинг низоми билан таниша туриб, албатта мен бу тадбирда голиб бўламан, деб ўзимга мақсад қўйган эдим. Мана ниятими амалга ошди. Энди тадбирнинг Республика босқичига пухта тайёриллигим керак. Тўғриси, иштирокчилар орасида менга муносиб рақобатчи қизлар борлигидан хурсанд бўлдим.

Мехринисо ИСРОИЛОВА, иштирокчи:

— Тадбир қизиқарли кечди. Ўйламанки, хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бу тадбир келгусида кўплаб лидерлик қобилиятига эга бўлган, истеъодли хотин-қизларни кашф этишга туртки бўлади. Мен, албатта, кейинги йил ҳам танловда иштирок этиш учун ҳозирлик қўраман.

Уралой ТУРДИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

(Давоми.
Боши 1-бетда)

ЎзМТДП ташкилотларида

Фаолият самарадорлигини ошириш

борасидаги долзарб масалалар ҳудудий ташкилотлар пленумларида муҳокама этилди



Нотик ўз сўзида давом этиб, ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратди. Жумладан, тарғибот тадбирлари ташкил этиши, уларнинг ҳам сони ҳам таъсирчанлигига эътибор қаратиш, бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг фаоллик ва ташаббускорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

— Ҳудудий партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишларни танқидий-таҳлилий назар билан баҳолайдиган бўлсак, эришилган ютуқлар билан бирга талай камчиликлар борлиги ҳам кўзга ташланади. Яъни электротат билан иш олиб боришда замонавий усуллардан самарали фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишлари сифатини ошириш орқали сайловчилар ишончи ва эътиборини янада кўпроқ қозониш лозим.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири ўқув-семинарлар орқали, ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган, замонавий дунёқараш ва билимларга эга кадрлар сафини кенгайтиришдир. Шунингдек, партия ташкилотлари девонларида ишлаётган масъул кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий механизмларини амалга ошириш фаолиятимизга татбиқ этишимиз даркор, - деди пировардида партия раҳбари.

Партия Фарғона вилоят Кенгаши пленумида тарғибот тадбирлари ташкил этиши, ёшлар билан ишлаш ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятида қатор камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Йўғилишда айрим маҳаллий Кенгаш депутатлари ЎзМТДП дастурий гоя ва мақсадларини амалга ошириш, электротат манфаатларини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйганлиги, баъзи депутатларимиз партия билан алоқани узганлиги танқид қилинди. Бундай депутатларга нисбатан амалдаги қонунлар ва партия устави талаблари асосида ҳиддий чоралар қўрилиши белгиланди. Пленум ишида депутатлик гуруҳлари ҳамда ҳар бир депутатнинг ҳисоботлари тингланди. Ушбу ҳисоботлар пленум иштирокчилари томонидан танқидий таҳлил қилинди.

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши пленумида партия фаолиятини янада кучайтириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда бошланғич партия ташкилотлари иштиро-

қини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Куйи бўғинлар партияимиз фаолиятида энг муҳим ва ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади, - деб таъкидланди. Бугунги кунда вилоят Кенгаши тизимида 296 та бошланғич партия ташкилоти фаолият қўрсатмоқда. Бу борада Чиноз, Зангиота, Юқоричирчиқ ва Оҳангарон туманларида сезиларли сиқилларга эришилди. Шу йил май-июнь ойларида барча бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишларда БПТнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди ва истиқболдаги режалари белгилаб олинди.

Партия Тошкент шаҳар Кенгаши пленумида таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 474 та тадбир ўтказилди. Бу борада партия Мирзо Улуғбек туман Кенгаши 50 та, Сергели тумани 40 та, Олмасор тумани 38 та тадбир ташкил этиб, фаоллик ва намуна қўрсатишди. Бироқ партия “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши атиги 20 та, Чилонзор туман Кенгаши 22 та тадбир ўтказиб, ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндашишган.

Пленумда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши пленумида хотин-қизлар йўналишидаги ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роллари ва нуфузини ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга барча соҳаларда кенг шароитлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган, - деди ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев. — Ҳозирги пайтда вилоятимизда партияимиз аъзоларининг 40 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади. Вилогат Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонларида фаол хотин-қизлар учун ўқув-семинарлар, тадбирлар ўтказишни янада кучайтириши лозим. Шу билан бирга хотин-қизларни миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларда вилогат, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, ҳаракат қилишимиз зарур.

— Истиқлол йилларида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда, - деди партия Навоий вилоят Кенгаши пленумида маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафонов. — Бугун юртимизда кечаётган демократик ислохотлар жамиятни партияимиз олдига ўз аҳамияти жиҳатида ниҳоятда муҳим ва кенг камровли вазифаларни қўймоқда. Энг

аввало яратилаётган кенг шароитлардан оқилона фойдаланиш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараш ҳамда билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйнига оладиган етук кадрлар потенциални вужудга келтиришимиз даркор. Шунингдек, ЎзМТДПнинг дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил бажариб бориш, партия мафқураси ва гоясига янгича ёндашувларни шакллантиришга қаратилган ишларни амалга ошириш муҳим вазифамиздир.

Пленумда эътироз этилганидек, партия дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар ҳамда хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Ана шу талаблар асосида партиянинг вилогат, туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан 514 та турли мавзулардаги тадбирлар ва ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Тадбирлар ташкил этиш ва уни мазмунли ўтказиш борасида айрим партия ташкилотлари, хусусан, Томди, Конимех туман Кенгашлари сусткашликка йўл қўйишгани айтиб ўтилди.

Партия Андижон вилоят Кенгаши пленумида сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Мухаммадиев электротат манфаатларини ҳимоя қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ва депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлигини кучай-

Партия Тошкент шаҳар Кенгаши пленумида таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 474 та тадбир ўтказилди. Бу борада партия Мирзо Улуғбек туман Кенгаши 50 та, Сергели тумани 40 та, Олмасор тумани 38 та тадбир ташкил этиб, фаоллик ва намуна қўрсатишди. Бироқ партия “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши атиги 20 та, Чилонзор туман Кенгаши 22 та тадбир ўтказиб, ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндашишган.

тириш масаласига эътибор қаратди.

— Жамиятимизнинг барча соҳаларида чуқур демократлаштириш жараёни кечаётган ҳозирги даврда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Шу боис ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан электротат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик бирлашмаларининг ўрни ва родини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлик гуруҳларининг ахборотларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида тинглаш амалиёти йўлга қўйилди. Бундан ташқари партия Марказий Кенгаши ва фракцияимиз ҳамкорлигида қатор ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Бу мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидланганидек, барча даражадаги депутатлар сессия кун тартибига масала кiritиш бўйича қўлаб ташаббус ва таклифлар билдирди. Бу борада халқ депутатлари Андижон шаҳар, Ҳўжаобод, Жалақудук, Олтинқул ва Бўз туман Кенгаши депутатлари фаоллик қўрсатди.

Пленумларда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишчи қарорлар қабул қилинди.

**Қамолитдин САЙДУЛОВ,
“Milliy tiklanish”
мухбири**

тарғибот тадбирларида акс этмоқда

БУХОРО

— *Биз тадбир эркин, тинч, осойишта, инсон қадрни юксак қадрланадиган юртимизда ишлаймиз, - деди “Мустиқлик ва миллий маънавиятнинг тикланиши” мавзусидаги тадбирни кiritиш сўзи билан очган ЎзМТДП Шофиркон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари А.Обидов.*

— Шундай экан, осойишта ҳаётнинг қадр-қимматини чуқур ҳис қилишимиз даркор. Зеро, мустиқлик бизга ўзлимизни, қадрий ва урф-одатларимизни, ҳақ-ҳуқуқимиз ва чексиз имкониятларни тўхта этди. Эътироз этиш керакки, ўтган қисқа давр мобайнида маънавий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунда давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга қўмаклашишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам муносиб ҳисса қўшишга интиломоқда. Партия томонидан юрт тинчлиги, ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умуммиллий гояси атрафида жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш йўлида муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, партияимиз мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Партиядан сайланган туман Кенгаши депутатлари, маънавий ва тарғибот маркази туман бўлими, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши билан ташкил этилган давра суҳбатлари партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчиларининг “Мустиқлик-ишонч, ҳуқуқ ва масъулият”, “Ифтихоримсан, мустиқлик Ўзбекистон” мавзусидаги маърузалари талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Баҳс-мунозара билан яқунланган тадбирда фаол иштирок этган ёшларга партия томонидан эсдалик совгалари топширилди.

ҚАШҚАДАР

— *ЎзМТДП Нишон туман Кенгаши “Қимёгар” маҳалла фуқаролар йиғини ва туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда “Энг асосий мезон — маънавиятга, келажакка эътибор” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатларида туман партия Кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, туман хотин қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.*

Тадбирни кiritиш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Н.Фармонов ёш авлодни маънавий етук, умуммиллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Мустиқлик йилларида ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Улар учун дунёнинг тараққий этган давлатларидан кам бўлмаган шароит, ўзиди мавжуд иқтидорини намоийш этиши учун барча имконият яратилди. Алоҳида эътироз этиш даркор, истиқлолга эришилган илк даврларда мақсад қилиб қўйилган буюк келажакни айнан ёшлар қўмағига таяниб қуриш вазифаси амалий натижа қўрсатмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимидони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада партия ташкилотларида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини тўғри таъминлаш ва тақсимлашга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Тадбир сўнггида фан, санъат, спорт соҳасида ютуқларга эришган бир гуруҳ ёшлар сўзга чиқишди. Улар мусобақаларда зафар қозонганда миллий гурурнинг янада чуқур ҳис этишлари, келажакда жаҳон ареналарида миллиетимиз байрогини баланд қўтариб, чексиз ифтихор билан миллий мадҳияимизни тинглашни олдиларига мақсад қилиб қўйганликларини таъкидлаб ўтишди.

САМАРҚАНД

— *ЎзМТДП Бўлунгур туман Кенгаши ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида “Баркамол авлод тарбияси — фаолиятимиз бош мезони бўлсин” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.*

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ёшлар ҳуқуқининг қонуний асослари яратилди, - деди тадбирни кiritиш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари А.Шокиров. - Ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънаван баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган “Умид нуҳиллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт мусобақалари улар ҳаётда муҳим ўрин тутди. Юртимиз келажакдаги - ёш авлод бугун фан, санъат ва спорт соҳасида улкан ютуқларга эришмоқда. Республикаимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларимиз ҳам жаҳон талабларига мос билим масканларида таълим олишмоқда. Қолаверса, бугунги кун ёшлари кучли билим олиш сари интилоётган, чет тилларини мукамил ўрганиб жаҳоннинг номдор университетларида таҳсил олаётганлар кувонмаслигининг илоҳи йўқ.

Дарҳақиқат, келажак эгалари барча соҳаларда катта ютуқларга эришмоқдалар. Лекин, ҳаётимизга замонавий телекоммуникация воситалари билан бирга “оммавий маданият” деб аталмиш минтақанинг хос бўлмаган иллатлар ҳам кириб келмоқда. Ёшларимизни ана шундай “таъсир”лардан муҳофаза қилиш учун улар онгига бой тарихимиз, миллий қадриятларимизни сингдириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз муҳим вазифаларимиздандир.

АНДИЖОН

— *Бугунги кунда миллий қадриятларимизни ривожлантириш, халқ хунармандчилигини равақ топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зарарлик, каштадоўлик, зардуўлик, кулолчилик каби хунар турлари ривожланиб, халқ амалий санъати янгидан янги намуналар билан бойитилмоқда.*

ЎзМТДП Олтинқул туман Кенгаши томонидан партия Дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Хунарманд” уюшмаси туман бўлими ҳамда туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда “Аёл хунарманд бўлса...” мавзуси остида давра суҳбати ўтказилди. Худуддаги хунармандчилик ва касаначилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг махсулотлари кўргазмаси билан бошланган тадбирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, тумандаги оилавий хунарманд, касаначи тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ота-бобларимиздан мерос қолган миллий санъат намуналарини сақлаб қолиш ва келгуси авлодга етказишда хунармандларимиз томонидан асалган, миллий услубларимиз сингдирилган буюмларнинг аҳамияти беқиёс.

— Миллий хунармандчиликми йилдан йилга ривожланиб, турли махсулотлар истеъмол бозорини тўлдириб, юрт фаровонлигини таъминламоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси М.Ҳамралиева. — Зардуўлик, кулолчилик, бадий каштачилик махсулотларини ишлаб чиқариш оммалашмоқда. Энг муҳими, қўлаб ёшлар муҳим иш ўринларига эга бўлмоқдалар. Вилогатда ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган, миллий хунармандчиликнинг оммалашшига муносиб улуш қўшаётганларнинг аксарияти сафдошларимиз ҳисобланади.

**Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таъҳимиз

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ

қуйи бўғин бош мақсади

халқ депутати Нуршод Қаюмова. — Яъни ЎзМТДП хайрихоҳлари билан мунтазам иш олиб бориш ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда қуйи бўғинлар алоҳида ўрин тутди.

Айни пайтда партия Арнасой туман Кенгаши таркибида 23 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Туман марказий шифохонасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотиغا Нуршод Қаюмова етакчилик қилмоқда. Мазкур қуйи бўғин ўз атрофида 68 нафар аъзони бирлаштирган. Эътироз этиш жоизки, қуйи бўғин сафи кун сайин янги аъзолар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бунда бошланғич партия ташкилоти етакчиларининг ЎзМТДП дастурий гоялари ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтиришдаги ташаббускорлиги, масъулияти ва фидойчилиги муҳим омил бўлмоқда.

— Ташкилотимиз бугунги кунда партия дастури ва Сайло-

волди Платформаси талабларидан келиб чиққан ҳолда етарлиқ таҳриба тўплади, десам хато бўлмайди, - дейди БПТ етакчиси Н.Қаюмова. — Турли йўналишда ўтказаяётган тадбирлар орқали электротатимизнинг ижтимоий фикри ва кайфиятини, хоҳиш ва истакларини ўрганиш, эҳтиёлларини аниқлашга интилаяимиз.

Таъкидлаш жоизки, қарийб 30 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда кўп минг сонли аҳоли саломатлигини сақлаш муҳим вазифалардан бири. Қуйи бўғин фаоллари ташаббуси билан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий етук авлодни вояга етказишга қаратилган кенг қўламли тушунириш-тарғибот ишлари, саломатлик тадбирларини ташкил этилмоқда.

— Электротат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор масалалар юзасидан халқ депутатлари Арнасой туман

саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилиш каби вазифаларнинг таъминланшига ҳам хизмат қилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Арнасой туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда мазкур БПТ ҳамкорлигида мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган “Соғлом она — соғлом фарзанд”, “Соғлом авлод — юрт таянчи”, “Баркамол ва соғлом авлод — келажак пойдевори” мавзусидаги давра суҳбатлари ва тадбирларда ота-оналар, ёш оила вакиллари ҳамда ёшлар фаол иштирок этишмоқда. Шунингдек, тарғибот тадбирларида туман хотин-қизлар қўмитаси, “Қамолот” ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, Саломатлик маркази туман бўлими ходимлари кенг жалб қилинмоқда.

— Электротат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор масалалар юзасидан халқ депутатлари Арнасой туман

Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳига аниқ таклифлар ишлаб чиқиш устида ҳам иш олиб борилмоқда, - дейди Н.Қаюмова. — Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ижросининг туманда бажарилишини ўрганиш бўйича ҳам таклифлар илгари сурилди. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар бошланғич партия ташкилоти ва депутатлар гуруҳи ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Ўз-ўзидан аёнки, партия дастурий мақсад ва вазифаларининг кенг жамоатчилик орасида чуқур кириб бориши, хайрихоҳларимиз сафи кенгайишида бошланғич партия ташкилотларининг ўрни беқиёс. Шу боис Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан қуйи бўғинлар фаолиятини тақомиллаштириш, уларнинг электротат ва хайрихоҳлар манфаатларини фидолаштириш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш, ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бошланғич партия ташкилоти ўз номига ҳамоҳанг равишда электротатни сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамловчи омил, партия фаолиятини жадал ҳаракатлантиришни куч, - дейди Арнасой тумани марказий шифохонаси бош врач,

Маънавият

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Мустақиллик — бу ҳуқуқ

ҳуқуқ эса мустақилдир

Мустақиллик чиндан ҳам ҳуқуқдир. Аслида ҳар қандай борлиқда ҳам ҳуқуқ мавжуд. Аммо ҳуқуқни туйиш бошқа, аниқлаш ва рўёбга чиқариш бошқа. Утган йўғирма икки йиллик давр тажрибаси бизга ана шу эски ва ҳақиқатни яна бир бор англатди, намоён қилди. Чунки, режалар, мўлжаллар, орзулар ранг-баранг, кўп ё кам бўлиши мумкин, бироқ уларни рўёбга чиқаришни урдадан ҳар кимнинг ҳам қўлидан келвермайдми.

Аҳмад Фарғоний, мероси ўрта асрлар жаҳон тиббиёт илми ва амалиётининг асоси бўлган Ибн Сино, “геодезия отаси” шарафига муяссар бўлган, океан ортида ороллар ва уларда одамлар яшаши мумкинлигини башорат қилган Абу Райҳон Беруний, XV асрдаёқ 1018 та юлдузнинг жадвалини кашф қилиб, бир йилнинг бугунги энг замонавий кўрсаткичдан атиги 58 сонияга фаркланувчи узунлигини (365 кун 6 соат 8 сония) аниқлаб берган Улуғбек ва яна кўплаб алломаларимиз ўзбек ё ўзбекистонлик эмас, “ўртаосиёлик” ёки “мовароуннахрлик” бўлиб кетган эдилар. Бой ва сеҳрли тилимиз бўла туриб, тили қисик юрардик, изоҳли лугатимизда “маънавият” сўзига жой топилмагандан “обиватель”, “обивателчилик” “погром”, “подбор”, “подполье”, “подручка” сингари ўнлаб бемаврид сўзлар шарҳи савлат тўки турарди.

Кенгдан-кенг тарихий-жуғрофий юртимиз бўла туриб, метрополия чизиб берган маъмурий чегарадан чиқолмасдик. Устига устак, ўзимиз шуни хоҳладик, УСССРни ўзимиз тузиб, бизни ўттифоққа олинглар, дея илтимос қилиб Москвага ўз оёғимиз билан борганмиз, деб ялтоқла-

эйти. Ўзбек давлати ва миллати қўлидан иш келадиган, асрлар, ўн йиллар давомида ечимини кутаётган, замона зайли билан туғилаётган каттадан-катта муаммоларни еча оладиган, ҳеч ким кутмаган марраларни забт эттишга қодирлигини, аввало, ўзига, қолаверса, бутун дунёга кўрсата олди, десақ муболага бўлмас.

Давлатнинг бўлмаган, деб камситар эдилар, уч минг йил билан бўйлашадиган давлатчилигимиз тарихини тикладик. Биз бўлмасак, фалончи, тугунчи давлат сенларни босиб оларди, деб кўрқитардилар, бугун ўшалар билан тенгма-тенг гаплашармиз. Хавфсизлигининг таъминлай олмайсизлар-ку ахир, дея сохта қайғуриш қилардилар, бугун эса минтақадаги энг қудратли армия Ўзбекистонники, демокдалар. Бизсиз Афғонистонга ўхшаб қоласизлар, деб чўчитардилар, бугун Кобулгача электр токи узата-йямиз, Мозоришарифгача темир йўл курдик, оптика толали алоқа тизими барпо этишда камарбаста бўлдиқ, халқаро муносабатларнинг марказида турган афғон муаммоси Ўзбекистонсиз ҳал бўлмастлигини тан олдирикми.

Техникамни, мутахассисларимни олиб кетсам, олтинингни қандай қазиб оласан, деб устимиздан кулмоқчи бўлгандилар, унданда зўр ва энг замонавий техникаларни сотиб олиб, ўз қорақўзларимиз ақли билан ишни дўндириб, соҳа бўйича дунёда ўзларини ҳам ортда қолдириб кетдик. Тўрт томонинг берк кўча, дунёга қандай чиқасан дегандилар, қирқ тўрт томонга йўл очдик. Ўзларингга қолса пахтангни қандай сотасан, дегандилар, Тошкентда халқаро пахта бозорини ташкил қилиб ўзларига ҳам сотаямиз. Дон бермасак, оч қола-санлар, деб ваҳимага солмоқчи бўлгандилар, донни ҳам экспорт қилаялмиз. Ахир сизлар аграр ўлкасиз, биз курган қорхонау фабрикалар тақа-тақ тўхтайдми-кўядми, истехзосини қилардилар, бугунги ўзбек экспортида пахта толасининг улуши ўн фоизга ҳам бормайтми.

Турли русумдаги автомобилларни минг бир хўйла билан ялиниб олиб келардик, бугун “Made in Uzbekistan” тамғаси

нардик. Не сабабдан ўзбек шоир Алишер Навоийнинг бутун умри Хиротда ўтган, у вазири мақомида хизмат қилган сарой, яъни давлат қароргоҳи ҳам ўша ерда бўлган, Хорфиз Шерозийнинг Шероздаги қабри устига қурилган иморат эса Абулқосим Бобур ҳукмронлиги йиллари билан боғланади, нима учун ҳозирги Бейлакан шаҳрининг асосчиси саналмиш Амир Темур, ундан кейин Шохрух баъзи йилларда қишни Қорабоғда ўтказганлар қабилдаги саволлар туғилиши мумкин эмасди. Амир Темур даврида Ўрта денгиз хавзасидан Хитойгача, Москвадан Деҳлигача ястан-

Айтишга ва ёзишга осон саналмиш бу ишларни ўз мустақил фикримиз, ақлимиз, иродамыизга суяниб қилдик. Бировларга эргашмадик, тақлид қилмадик, ялинмадик, суйкалмадик, бировлардан кўркмадик, ўз кучимиз ва заковатимизга ишондик, миллий етакчи танлашда адашмадик.

ган салтанатни ўзбек номи билан боғлаш калани кундаги қўйишдек гап эди.

Халқ сифатида “узил-кесил шакланган” давр ҳам белгилаб қўйилган — XI-XII асрлар. Бундан мундао аниқ эди — қарам миллат метрополия халқидан олдин пайдо бўлиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимиз, асил маконимиз ерга урилди, таққирланди, чекланди. Бошқача айтганда, камситилди.

Ниҳоят, 1991 йили аҳдодаларимиз орқиқиб кутган кун келди — биз ўз ҳаққимизни тортиб олдик ва мустақилликка эришдик. Юртимизга, ўзлигимизга эгаллик қилиш ҳуқуқимиз тикланди. Бундан буён ўтадиган ҳар бир кунимиз, ўз тақдиримизга эгаллик ҳуқуқи, яъни миллат ва давлат ҳуқуқи пайдо бўлди. Халқимиз ҳаёти ва мамлакатимиз ривожини билан боғлиқ мақсад, вазифа, мўлжал ва режаларни ўз ҳолимизча белгилаб олиш ҳуқуқи юзга келди.

Шу билан бирга, эркин тараққиёт йўлининг йигирма икки йиллик тажрибаси мустақил миллат ва давлат ҳуқуқининг энг асосий жиҳатини намоён

туширилган оғир ва энгил автотомобиллар, автобусларни четга чиқарялмиз.

Бизнинг кадрларсиз республикани бошқара олмайсизлар, соҳаларда иш юритолмайсизлар, дея ваҳима қилардилар, салоҳияти кўпиртилган совет таълим тизимини ислоҳ қилиб, замон талабларига жавоб берувчи ўз миллий тизимимизни яратдик, ўнлаб мамлакатлардаги элчинонау турли ваколатхоналарда юртдошларимиз обрў-этиборда меҳнат қилмоқдалар, ўзбекининг урдабурон ишбилармонлари дунё кезмоқдалар. Энг мураккаб дастгоҳларда ишлатаётганлар ҳам истиқлол йиллари камол топган ўзбек ўғил-қизларидир...

Айтишга ва ёзишга осон саналмиш бу ишларни ўз мустақил фикримиз, ақлимиз, иродамыизга суяниб қилдик. Бировларга эргашмадик, тақлид қилмадик, ялинмадик, суйкалмадик, бировлардан кўркмадик, ўз кучимиз ва заковатимизга ишондик, миллий етакчи танлашда адашмадик. Мустақиллик берган ҳуқуқимизни рўёбга чиқаришда ҳам мустақил бўлдик. Ҳамма гап ҳам аслида шунда!

Азамат ЗИЁ



Улуғнор туманидаги 21-болалар музика ва санъат мактабига Ёш маъсуми бошида ранг-тасвир, фортепьяно, ўзбек миллий чолғулари каби беш йўналишда тўғарақ машғулотлари йўлга қўйилди. Уларда маҳоратли педагоглар юздан зиёд ўғил-қизга санъат сирларини ўргатиш билан бирга ўқувчиларнинг ёзги таътили мароқли ва мазмунли ўтказишга кўмаклашмоқда.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Бугуннинг гапи

«BOLAJON»

телеканалли юртимиз болалари билан бирга

Халқимиз — болажон. Уларнинг ўсиб-улгайиши, униб-ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратиши — бурчимиз. Бугунги шиддатли замонда уларни миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз руҳида тарбиялашда телевидениенинг ўрни бекиёс. Гап болаларимиз ва ТВ ҳақида борар экан, кўпчилики яқинда ташкил этилган ва мухлисларга эга бўлиб бораётган «Bolajon» телеканаллининг бугунги фаолияти қизиқтириши табиий. Ҳўш, айни пайтда ушбу телеканал ходимлари қандай янги режалар устида ишлашмоқда? Телеканалли ташкил этишдан мақсад ва мундао нима?

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатимизда рақамли телевидение тadbик этиш бўйича техник базани яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида»-ги ҳамда «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида» Қарор қабул қилинди. Шу асосда, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги «Madaniyat va ma'rifat» ҳамда «Dunyo bo'ylab» телеканаллари ташкил этилди.

2013 йилнинг 30 май куни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти қошида болаларга мўлжалланган янги рақамли «Bolajon» телеканалли ташкил этиш тўғрисида»-ги Қарори қабул қилинди. 2013 йилнинг 1 июнидан эфирга чиқа бошлаган «Bolajon» телеканалли мамлакатимиз болалари учун Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига муносиб тўхфа бўлди.

«Bolajon» телеканалли дастурлари республикамиз бўйлаб амалдаги рақамли теледастурлар ижтимоий пакети таркибига тарқатилмоқда. Телеканал 3 ёшдан 10 ёшга бўлган болаларга атроф-муҳитни идрок этиш, миллий қахрамонлар, ўзбек халқи ва бошқа халқларнинг

достонлари, эпослари, эртақлари воситасида эзулик ва адолат тушунчаларини шакллантириш, болаларнинг ақлий ва ижодий фаолигини ривожлантириш, кўнглиларини ўргатувчи телевизион кўрсатувлар, мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшдаги болалар учун мўлжалланган интеллектуал ўйинлар ва викториналар намойиш этиш орқали уларда ақлий ҳамда жисмоний меҳнатнинг бошлангич кўникмалари ва маданиятини шакллантириш мақсадида ташкил этилган.

Янги телеканал дастурларини тайёрлаб эфирга узатишда жажжи телетомошбинларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, энг замонавий интерактив шакл ва усуллар, рақамли ва мультимедияли технологиялар имкониятларини фойдаланилмоқда. Шунингдек, болаларнинг хоржиий тилларни ўрганишларига кўмаклашиш мақсадида таъсирчан кўрсатувлар тайёрланмоқда. Уларни табиятга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ошириш учун атроф-муҳитни асраш, уй ҳайвонлари, паррандалар, аквариум ва хона ўсимликларини парварилаш тўғрисида кўрсатувлар бериб юрди йўлга қўйилган. Болаларга жисмоний тарбия асосларини сингдириш, спортга қизиқтириш, мусобақа руҳини кучайтириш, саломатликни сақлаш ҳамда санитария-гигиена қоидаларини ўргатиш каби мавзулардаги кўрсатувларга ҳам кенг ўрин берилмоқда.

«Bolajon» телеканаллининг ташкил этилиши билан, «Yoshlar» телерадиоканали ижодий жамоаси зиммасидаги масъулият янада ортиди, дейиш мумкин. Чунки, «Bolajon» телеканалли ташкил этилаётган ҳар бир кўрсатув жажжи болажонларимизнинг порлоқ қошида болаларга ўқув-ўқитиш, муҳим маълумотни қила олиши, уларни тўғри йўлга йўналтириши, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак. Қолаверса, бугун нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳонда ёшлар тарбияси биринчи даражада масалалардан бирига айланган. Айниқса, уларнинг онги ва қалбини турли ёт иллатлардан ҳимоя қилиш, асаб-авайлаш муҳим вазифалар сирасига кирарди.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, «Bolajon» телеканалли айнан «Yoshlar» телерадиоканали қошида ташкил этилганлиги бежиз эмас. Чунки ушбу телерадиоканал томонидан сўнгги

йиллар мобайнида тайёрлаб, эфирга узатиб келинаётган энг долзарб мавзуларга қаратилган юксак профессионал даражадаги кўрсатувлар ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини бойитишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, «Yoshlar» телерадиоканалида кейинги даврда тўпланган бой ижодий тажриба ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Иш бор жойда, албатта, муаммо ва қийинчиликлар ҳам бўлади. Айниқса, болаларга мўлжалланган телеканалли ташкил этиш бошқа ҳар қандай электрон оммовий ахборот воситасини ташкил этишдан икки карра мушкулроқ иш саналади. Болалар билан иш болажонларимизнинг ишонглиги ва мавзафаклигидир. Чунки бизнинг халқимиз меҳмондўст, бағрикенг, мард, меҳнаткаш сингари, асосан, ўзбекларга нисбатан айтиладиган сифатларга эга. Улар орасида яна бир муҳим сифатлар бор: ўзбек халқи — болажон халқ. Яъни «болажон» сўзи бир вақтнинг ўзида фарзандларимизга нисбатан ҳам, халқимизга нисбатан ҳам қўлланилади. Демак, мазкур телеканалда ном сифатида «болажон» атамасининг танланиши, нафақат болажонларнинг, балки бутун халқимизнинг кўнглида иш бўлган.

ТОМОШАБИН НИМА ДЕЙДИ?

Шаҳноза ҚИЛИЧЕВА, инглиз тили ўқитувчиси:

— Бугунги кунда келажак авлодни соғлом, баркамол, ватанпарвар, эл-юртга садоқатли инсон бўлиб улгайишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, шубҳасиз, оммовий ахборот воситалари асосий ўрин тутарди. Айниқса, телеканаллардаги болалар учун мўлжалланган кўрсатувлар, фильм ва мультфильмлар болаларнинг дунёқараши, маънавияти ва келажогига чуқур таъсир кўрсатади. Хусусан, мурғак фарзандларимизнинг миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз руҳида тарбия топишлари, уларни турли ёт иллатлардан асраб-авайлашимиз ва болалар учун яратилган асарлардан баҳраманд бўлишлари учун «Bolajon» телеканалли бекиёс аҳамиятга эга. Болаларнинг хоржиий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув-телекўрсатувлар тайёрланмоқда, болалар учун бадиий, мультимедия ва маърифий фильмлар хоржиий тилларда, ўзбек тилидаги субтитрлар воситасида намойиш этилмоқда.

Фирдавс, 3-синф ўқувчиси:

— Кўп мультфильмларни диск ёки «Карусель» (Россиядаги болаларга мўлжалланган телеканал) орқали кўраб эдим. Ҳозир эса «Bolajon» телеканалли мунтазам кўраман. Мультфильмларнинг кўпи буюм ва оймий айтиб берган эртақлар асосида ишланган. Мен учун яна бир яхши ва керакли жиҳати сеvimли мультфильмларим инглиз тили воситасида тушунириляпти. Бу менга инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганишимга ёрдам берапти. Бу канал нафақат мен, 4 ёшли синглим Тумарисга ҳам ёқарди. Яқинда у оймийгача сочини майдалаб ўриб юришини айтиди. Сабаби, «Bolajon»да кўрган бир мультфильм қахрамонининг сочи узун ҳамда майда қилиб ўрилган экан. Тумариснинг сочи ҳали узун бўлмагани учун оймийгача дўппий олиб бердилар.

Дилфуза РҮЗИЕВА, «Milliy tiklanish» муҳбири

МИРЗАЧЎЛ ТУМАНИДАГИ 4-17-18 УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЖАМОАСИ

Барча ватандошларимизни

ИСТИҚДОЛИМИЗНИНГ 22 ЙИЛИГИ

билан табриклайди.

**Озод диёримиз мусаффо осмони узра
хуррият куёши тоабд нур сочиб тураверсин.**

БАЙРАМ МУБОРАК!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНING
БУХОРО ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ**

ЖАМОАСИ

*Бунёдкор халқимизни
энг улуғ, энг азиз байрам —*

**Ватанимиз мустақиллигининг
22 йиллигини**

билан қутлайди.

**БОЙСУН ТУМАНИДАГИ ДАВЛАТ
10-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ЖАМОАСИ**

*Барча юрtdошларимизни, устоз ва мураббийларни
Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига 22 йил
тўлиши билан қизгин табриклайди.*

*Сизларга соғлиқ-омонлик,
хонадонингизга тўкинлик тилаймиз.*

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

Тадбир

Болалар ҳуқуқ ва манфаатлари

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ЮНИСЕФ лойиҳаси доирасида семинар ташкил этилди. “Ўзбекистон болалар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва унда оммавий ахборот воситалари роли ва ўрни” мавзусидаги ушбу семинарда республика таълим муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва бошқа таш-

килотларнинг масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Республикада истиқлол йилларида бола ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда шакллантирилди ва мустаҳкамланди. Бу соҳадаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент Фармони ва Қарорлари, амалдаги кодекслар Қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиномда.

Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Давлат дастури ва Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан кенг жамоатчиликни таништириш, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш журналистлардан юксак билим, салоҳият ва масъулият талаб этади.

Семинарда оммавий ахборот воситалари вакилларига Ўзбекистонда болалар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир олиб борилаётган ишлар, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, соғлом авлод тарбиясида спорт ўйинларининг тўтган ўрни ва ёшлар бандлиги масалалари юзасидан маълумот ва маслаҳатлар берилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ
“МУҚИМИЙ ФАЙЗ” ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ**

*Мамлакатимиз аҳлини, қишлоқ
хўжалиги соҳаси вакилларини*

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

22
ЙИЛИГИ

*билан самимий
табриклайди.*

*Сизларга омад, соғлиқ ва бахт, Ватанимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда
улкан зафарлар тилаймиз.*

БАРЧАГА БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бизнинг шарҳ

“МУВАФФАҚИЯТЛИ ЙЎЛЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ”

Германия христиан-демократик иттифоқининг асосий шиори саналади

Бугунги Европани Германиясиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, ўтган ярим аср давомида кўҳна қитъанинг гуллаб-яшнаши, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ривожланиши, энг муҳими, халқлар ва давлатлар ўртасидаги бирдамликни таъминлашда Германия ҳал қилувчи роль ўйнади. Биргина 2008 йили бошланган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, “немис машинаси” муттасил ўсишга эришди. Машинасозлик соҳасида дунёда етакчи ўринда турадиган Германия Европанинг иқтисодий локомотиви, бошқача айтганда, “Европанинг двигатели”га айланиб улгурган. Зеро, мамлакат умумий иқтисодий кудрати бўйича дунёда 3-ўринда, жаҳон савдосида 2-ўринда туради.

риятларига берилган урғу эса XIX аср охирида ташкил этилиб, 1933 йилга қадар ГХДИга раҳнамолик қилган Марказ партияси билан боғлиқ.

1945 йилдаёқ ГХДИ Берлин ва Кёльннинг ўзининг дастурий лойиҳалари билан чиқа бошлади. Ўзининг биринчи етакчиси Конрад Аденаур даври - 1950-1963 йилларда жадал суръатларда ривожланди. Бу даврни “Аденаур эраси” деб аташади. 1957 йилда ХДИ Бундестагда музлақ голибликни кўлга киритди. Аммо 1969 йилга келиб, гарчи кўп овоз тўплаган бўлса-да, бу янги ҳукумат тузиш учун етарли бўлмади. Шундан сўнг партия янги аъзоларни жалб этиш учун тарғибот ишларини кучайтирди. 1969 йилдан 1978 йилга қадар ХДИ аъзолари сони 300 мингдан қарийб 700 миң нафарга етди. Бу дунё партиялари тарихидаги юқори кўрсаткичлардан биридир.

Маълумотларга кўра, Конрад Аденаурдан кейин партия раислари Людвиг Эрхард, Курт Георг Кизингер, Райнер Барцель, Гельмут Коль, Вольфганг Шойбле, ниҳоят айна пайтда Ангела Меркелдир. ХДИ вакиллари беш марта Германия Федератив Республикаси Президенти (Генрих Lübke, Карл Карстенс, Рихард фон Вайцеккер, Роман Херцог ва Хорст Кёлер) ва беш марта Федерал канцлерлар бўлишган: Конрад Аденаур, Людвиг Эрхард, Курт Георг Кизингер, Гельмут Коль ва Ангела Меркелдир.

Одатда, партиялар замонга мослашади. Мазкур партия дастурига эътибор қаратилса, унинг такомиллашувини бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Аввал-да дастурлар орасида энг машҳури 1947 йилдаги Аллен дастури бўлган. Унда биринчи галда иқтисодий ва ижтимоий масалаларга эътибор қаратилган бўлиб, асосий талаб иқтисодий тизимни тубдан ўзгартириш эди. Дастурда кон санаотини маҳаллийлаштириш, меҳнаткашларнинг қарор қабул қилишдаги иштирокини таъминлаш учун имконият яратиш, самарали монополиялаштиришга қарши қонунийлик, ўрта қатламни қўллаб-қувватлашни назарда тутган. Аммо бу дастур охиригача амал-



га оширилмади.

Иқтисодий масалаларда ХДИ кўпроқ 1949 йилда Людвиг Эрхард томонидан ишлаб чиқилган Дюссельдорф тезисларига суянган. Партия биринчи марта ана шу дастур доирасида зарурий иқтисодий тузилма сифатида “социал бозор иқтисодиёти”ни талаб қилиб чиққанди. Яъни, бунда иқтисодий эркинлик ва мустақил шахслар ва корхоналар ўртасидаги эркин рақобат ижтимоий адолат ва фуқаролик бағрикенглиги таъминланадиган мувофиқ келтирилиши лозим эди.

Хусусий мулк ва бозорларга эркин кириш имкони ҳар бир кишининг ижтимоий жавобгарлиги, барчага тенг бошланғич имкониятлар яратиши лозим бўлган таъмин тизимини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ, дея қаралди. Давлат эса умумий фаровонлик ва ижтимоий мувофиқатни таъминлашда шахсий масъулият кучи етмаган ўринларда ўз ёрдамини кўрсатиши керак бўларди.

ХДИнинг ташқи сиёсат билан боғлиқ қарашлари эса 1953 йилги Гамбург дастурида биринчи марта ўз аксини топди. Бу ҳужжатда Германия нейтралитети ҳақидаги гоялар кескин инкор қилинади. ХДИ ташқи сиёсатда Федератив Республиканинг

НАТО гарбий альянсинга тегишлилик тамойилидан келиб чиқади. Асосий эътибор аввалгидек кулланганиши қисқартириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Европа интеграциясига қаратилди. 1984 йилдаги Штутгарт тезисларида янги техника ва апроф-муҳит тушунчалари ўз аксини топган. Унга кўра, партия янги технологиялар ва аҳоли он-дигини ўзгартириш бўйича чоралар кўриш ёрдамида табиат муҳофазасини таъминлаш ниятида. Аммо ХДИ техниканинг инсонга хизмат қилиш чегарасидан ўтишини қўллаб-қувватламайди.

Бугунги кунда партия дастурий гояларига эътибор қаратилса, унда миллиятлар бирдамлигини таъминлаш, тарихий-аънавий кадрларнинг кадрлар, немисларга хос ҳаёт тарзини тарғиб қилиш етакчи ўрини эгаллайди. Шунингдек, ахлоқий асослар, ижтимоий бозор ҳўжалиги гояси, Федератив Республиканинг гарб тизимида мустақкам илдиэ отгани бугунга қадар ХДИ дастури асосини ташкил қилади. 60-йилларнинг бошидан бошлаб қабул қилинган барча лойиҳалар ана шу уч асосий тамойилнинг турли вариантлари ва такомиллашуви ҳисобланади. ХДИ шунингдек, солиқ ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тарафдори ҳамдир. Иқтисодий ва мо-

лиявий сиёсатда ХДИ асосий эътиборни сифатли иқтисодий ўсиш ва ишсизликни камайтиришга қаратади.

Сўнги маротаба Германия бундестаги учун ўтган сайловда мўъжиза рўй бермади, воқеалар кутилмаган ўзган бурилади кетмаганди. Тахмин қилингандек, канцлер Ангела Меркел бошчилигидаги христиан-демократик иттифоқи, яъни консерваторлар галаба қозонди. Аммо жорий йилги сайловлар ҳар доимидан кескинроқ ўтиши кутилмоқда. Хусусан, Германия социал демократик партияси, Эркин демократик партиялар сиёсий тadbирга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Бошқача айтганда, амалдаги канцлер хонимнинг ҳар бир хатти-ҳаракати жиддий кузатишмоқда. Шунга қарамай, замонавий давлатнинг давлатининг ёрқин сиёсатчиси Конрад Аденаур асос солган сиёсий ҳаракат бу борада ўзига хос тажриба, дастур ва лойиҳаларга эга. Мутахассисларнинг фикрича, партия ўзининг доимий электоратини шакллантирган ва уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам ушбу партияга етакчилик маъқеини сақлаб қолишига туртки бериши мумкин.

Беҳбўд БОТИРОВ,
“Milliy tiklanish”
шарҳловчиси

ЎЗИГА ХОС ТИЗИМ

Германия конституциясига кўра, ҳукумат катта ваколатларга эга, хусусан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширади. Айниқса Федерал канцлернинг ваколатлари анча кенг. Жумладан, Канцлер мамлакат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва уни амалга ошириш учун жавобгар бўлади. Ушбу асосий йўналишлар доирасида ҳар бир вазир ўз масъуллиги асосида соҳани бошқаради. Федерал канцлер ўзгарса, ҳукумат истеъфога кетади. Канцлернинг мамлакатни бошқаришдаги фаол ролдан келиб чиқиб, баъзи тадқиқотчилар Германиянинг бошқарув шаклини «канцлер республикаси» деб аташади.

Конституциянинг 63-моддасига мувофиқ, Бундестаг аъзоларининг ярмидан ортигининг овозини олган шахс канцлер этиб сайланади. Башарти, таклиф этилган шахс сайланмаса, Бундестаг сайловлардан ўн тўрт кун ўтгач, ўз аъзоларининг музлақ кўпчилик овози билан федерал канцлерни сайлаши мумкин. Агар бу мuddат ичида канцлер сайланмаса, янги тур овоз бериш ўтказилиб, унда энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Бу ҳолда Федерал президент уни сайловдан кейин 7 кун мобайнида ё канцлерни тайинлаши ёки Бундестагни тарқатиб юбориши шарт. Вазирларнинг номзодини Канцлер тавсия этади, президент тайинлайди.

● 1990 йил 3 октябрда Германия Федератив Республикаси, Германия Демократик Республикаси ҳамда махсус халқаро мақомга эга мустақил сиёсий бирлик ҳисобланган Ғарбий Берлиннинг қўшилиши натижасида ташкил топган Ғарбий Европадаги давлат. Аҳолиси 82 миллиондан зиёд. Амалдаги конституцияси — ГФР Асосий қонуни 1949 йил 23 майда Парламент кенгаши томонидан қабул қилинган, унга 1954, 1956, 1990, 1994 йилларда қўшимчалар киритилган.

● Немис қонунчилиги кўра, ҳар бир фуқаро иккита овозга эга. Яъни, у аввало, сайлов участкасидаги ўз номзодига овоз беради. Бунда энг кўп овоз олган номзод галаба қилади (бу мажоритар тизим деб аталади). Айни замонда, сайловчи муайян партия учун ҳам овоз беради. Мазкур иккинчи овоз ҳисобланиб, партияларга қўшимча мандат сифатида берилган (бу пропорционал сайлов тизими саналади, яъни Германияда бир пайтнинг ўзида сайловнинг ҳар икки усuli қўлланилади).

● Президент мамлакатда Федерал канцлердан сўнг иккинчи шахс бўлиб, узрли сабабларга кўра, ўз лавозимини бажара олмаса, унинг ўрнини Бундестрат президенти эгаллаши белгиланган. Президентликка қирқ ёшга тўлган фуқаролар даъвогарлик қила олади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Жиддий чоралар зарур

Дунёда сув тошқинларидан қўрилган зарар миқдори 2050 йилга бориб 1 триллион долларга етиши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларга қараганда, денгиз сатҳи кўтарилгани тўғрисида йиллик соҳил бўйи мамлакатлардаги сув тошқинларидан қўрилган зарар 2050 йилга бориб йилга 1 триллион АҚШ долларга етади. Экспертлар 136 шаҳардаги сув тошқинидан ҳимоя ҳолатларини ўрганиб, яна 35 йилдан кейин денгиз сатҳи 20 сантиметргача кўтарилганда ушбу воситалар ёрдам бера олмаслигини айтишган. Маълумотларга қараганда, сув тошқинидан қарийб 31 фоиз йўқотишлар АҚШнинг Майами, Янги Орлеан ва Нью-Йорк шаҳарлари тўғрисида келади. Мазкур табиий офатга қарши чораларга жаҳон миқёсида 50 миллиард АҚШ доллар маблағ сарflanса, йўқотишларнинг кўп қисмини олдини олиш мумкин. Эслатиб ўтамиз, дастлабки маълумотларга қараганда, Узоқ Шарқдаги сув тошқинидан қўрилган зарар 260 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

“Сакурадзима” уйғонмоқда

Япония жанубида Сакурадзима вулкони ҳаракатга келмоқда.

Бунинг оқибатида атмосферага 150 миң тоннадан зиёд вулқон кули отилиб чиққан. Крайтер устидаги кул булути 5 км. баяндаликкача кўтарилган бўлиб, бу вулқонлар тарихидаги юқори кўрсаткичлардан биридир. Сейсмологларнинг фикрича, унинг фаоллигидан қўшни Кагосима префектураси ҳам зарар қўриши мумкин. Мазкур вилоятда Япониядаги ягона Утиноура космосдони жойлашган.

Эслатиш жоизки, ўтган йили маҳаллий ҳукумат вулқон отилиши оқибатларини бартараф этиш учун 5,3 миллион АҚШ доллар миқдоридики маблағ сарфлаган. Бу сафарги вулқон кулини тозалаш учун Кагосимада 60 дан зиёд юк машиналари ишга туширилган.

Муҳожирлик ислохоти

АҚШ президенти меҳнат муҳожирларининг фаолиятини қонунийлаштириш таклиф этган.

Ушбу ҳужжатга кўра, 2011 йил 31 декабргача АҚШ ҳудудида келган кишилар қатор процедураларини бажарса, фуқароликка даъвогарлик қилиб, яшаш учун рухсат олиши мумкин. Бунда меҳнат муҳожирлари мамлакат ҳудудида 2011 йил декабрга қадар яшаганини исботлаб, йигилиб қолган солиқларни тўлаши, инглиз тилини ўрганиб, 500 доллар миқдоридики жарима тўлаши ва истиқомат қилиш учун ҳужжат олишга навбатга туриши керак. Бироқ қонуний ишлашга ариза берилган давлат нафақасини олиш ҳуқуқи ва бошқа имтиёزلарга эга бўлолмайди. Оқ уй раҳбарининг сўзларига кўра, ушбу таклифни тасдиқлаш парламент қўйи палатасининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Мазкур қонун 11 миллион кишининг фаолиятини қонунийлаштириш имконини беради. Кузатувчиларнинг фикрича, маъмурият томонидан тақдим этилган муҳожирлик ислохоти иқтисодиётга миллиардлаб даромад келтириши мумкин.

Хуш хабар

Талабалик муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотига кўра, бу йил юртида мавжуд олий ўқув юртиларига 480 миң 407 нафар абитуриент ариза берган. Бу эса бир ўринга 8,5 нафар номзод дегандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 июндаги “2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 56 миң 607 нафар ёш бакалавр йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинди. Шундан 19 миң 120 нафари давлат гранти, 37 миң 487 нафари контракт асосида тахсил олади.

Талаба бўлиш бахтига муяссар бўлиб, қувончларини қалбига сиғдира олмаётган бир гуруҳ ёшларни суҳбатга чорладик.

Лазиз МУСАКУЛОВ,
Тошкент вилояти:

— Бугун қувончларим чексиз. Талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Тошкент давлат автомобиль-йўллар институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинишимда, шубҳасиз, ўқитувчи-мураббийларим, устозларим ва албатта ота-онанинг меҳнатлари чексиз. Пойтахтда билим олиш орзуси қалбимнинг туб-тубида яшарди. Имитхонга тайёргарлик кўраётган кезларда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини ҳам бориб кўрдим. Айниқса, Мустақиллик майдонининг чиройи ўзгача: осмонга парвоз учун қанот қоқиб турган оқ лайлагу оқ турналар гўё менга омад тилагандек бўлди. Ана шундай хуш кайфиятда имтихон топшириб чиқдим...

Соҳиба РАШИДОВА,
Жиззах вилояти:

— Менинг қувончларим ҳаммакидан бўлакча. Иккинчи йил талаба бўлиш бахти насиб этди. Жиззах Дав-

лат педагогика институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Код рақамим рўйхатнинг биринчи қаторида турганини қўриб қўзларимга ишонмаяман. Орзуим ушалганидан, Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон юртининг бахтли фарзанди эканлигимдан айни дамларда бош шим қўқма етди. Келажакда шу юрт қорига ярайдиган инсон бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Райҳона УСМОНОВА,
Тошкент шаҳри:

— Юртимизда келажак авлодни ҳар томонлама етук, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялашга охида эътибор қаратилмоқда. Бу эътибор самараси ўлароқ, биз ёшлар турли соҳаларда ўз билим ва иқтидоримизни намоён этиб, улкан натижаларга эришмоқдамиз. Айниқса, Юртбошимиз томонидан бошланғич спортга берилётган алоҳида эътибор бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Мен ҳам келажакда баркамол ёшларни тарбиялашга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадига Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирдим. Келажакда спорт мураббийи бўлиб, Ўзбекистон байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Талаба, кечаги уйқусиз тунлар, беҳаловат кунлар бугун сени ўзинг танлаган олий ўқув юрти аудиториясида билимингни янада оширишинга имкон беради. Ишончимиз комилки, Сен бу йўллардан ҳам муваффақият билан ўтиб, келажакда Ватанимизнинг маънавий мутахассислари сафига қўшилсан!

Талабалик муборак бўлсин, азиз ука-сингиллар!

Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири



Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ жамоаси халқимизни мустақиллигимизнинг 22 йиллиги

билан табриклайди!

Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!



Xalq banki - doim siz bilan birga!

Қадриятлар

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ЖИЛОСИ



Бугун юртимизда қўли гул хунармандларимизнинг машаққатли меҳнатларини юзага чиқариб, уларни муносиб тақдирлашга катта эътибор қаратилмоқда.

— Замира опа, яқинда ЎзМТДП Фарказий Кенгаши томонидан «Хунарманд» уюшмасида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиори остида ўтказилган хотин-қизлар Форумида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришда қўшган хиссангиз ва фидокорона меҳнатингиз учун тақдирландингиз.

қўринишда тикасиз? Умуман олганда ательеда тикиладиган либослар билан бозорда сотишга мўлжаллаб тикиладиган буюмларнинг фарқи нимада?

— Мен асосан миллий матоларни замонавий кўринишда тикаман. Бозордаги либослар ҳаммага ҳам бирдек ярашавермайди. Ательенинг бозордан фарқи шундаки, хар бир либос ўз эгасига мослаб, кўл меҳнати билан тикилади.

Ательемга миллий либосларга меҳри баланд мижозлар келишади. Канаданинг Ванкувер шаҳрида яшайдиган қўшниларимга миллий матоларимиздан сарполар тикиб берганим, ҳозир улардан ўзбек миллий либослар дукони очайлик, деган тахлиф тушарди.

— Соҳангиз бўйича тахсилни қаерда олгансиз?

— 1986-87 йиллари Москва сиртки халқ амалий санъати университетига ўқиганман. Турмушга чиққач, оила билан бўлиб ўқишни битира олмаганимга ҳалигача аф-

сусланаман. 2003 йили Тошкент Молия институти қошидаги банк коллежининг «Солиқ ва солиққа тортиш» факультетини сиртки бўлимини тугатиб, банкка ишга кирмоқчи бўлдим.

— Сизни илк бор Навоийда «Асрлар садоси» фестивалида учратганим. Шундан бери кўпгина тадбирларда иштирокингни қузатяпман.

— Ижод қиламан, янгилик яратаман, деган хунарманд учун юртимизда имкониятлар чексиз, фақат ундан тўғри фойдалана олиш керак.

— Ижод қиламан, янгилик яратаман, деган хунарманд учун юртимизда имкониятлар чексиз, фақат ундан тўғри фойдалана олиш керак.

Миллий либосларимиз жилоси шундай қувватга эгаки, у хар қандай инсонни сеҳрлайди.

— Назира БОЙМУРОДОВА суҳбатлашди, муаллиф олган суратлар

ҲИҚМАТ

Улки буюруб ўзи қилмағай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.

Алишер Навоий

Ҳақиқий тарбия қондаларда эмас, машқлардадир.

Ж.Ж.Руссо

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қора мурч

Доривор чойлар халқ табобатида жуда қадимдан қўлланиб келинади.

Мошдек келадиган қора мурч баъзан кўнғир рангли, сирти тарам-тарам, хушбўй ва таъми аччиқ бўлади.



БИЛАСИЗМИ?

Ердан Ойгача бўлган масофа тахминан 400 миң километр дур.

Ойда босим Ерга нисбатан қарий 6 баравар кучсиз.

ТУРФА ОЛАМ

Смартфон қулай, бироқ...

ИНГЛИЗ ОЛИМЛАРИ СМАРТФОНДАН Фойдаланувчилар бора-бора шабқўр бўлиб қолишлари мумкин, деган хулосага келишди.

Маълумки, илк смартфонлар 1997 йили сотувга чиққан.



Қадимги ўйин

АРХЕОЛОГЛАР ТУРКИЯНИНГ ЖАҲУБИ-ШАРҚИДА Салкам 5 минг йиллик тарихга эга ўйин доналарини топиб олишган.

Манбада келтирилишича, ўйин механикаси ва доналари 4 рақами билан чамбарчас боғлиқ экан.



Зафар МУҲАММАД тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси халқ депутатлари Китоб туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Азамат УЛУҲОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Навоий вилоят Кенгаши партия Хатирчи туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Баҳодир Турдиевга отаси

ЭЛИБОЙ БОБОНИНГ

вафот этганилиги муносабати билан таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Жолдасбай Абдижамиловга отаси

Зийнатдин АБДИЖАМИЛОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани 9-мактаб томонидан 2008 йилда Азимбобов Алтинбек Маҳмуджон ўғлига берилган 9-синфинг тамомланганилиги ҳақидаги U № 3437868 рақамли шаҳодатнома йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мамакатимизда амалга оширилмаган кенг қўламли ислохотлар замирида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсади мужассас.

Ободлик

Маҳалла ҳамкорлари

чилик фаолияти субъектларида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқа иқтисодий-ижтимоий соҳаларга депутатлик гуруҳи томонидан катта эътибор қаратилмоқда.



қилиб келмоқда. Жумладан, Навоий шаҳридаги «Матонат», «Меъмор», «Мурувват» каби маҳалла фуқаролар йиғинларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилади.

Фарход ЭРНАЗАРОВ, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати:

— Шаҳардаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловчилар манфаатлари ҳимояси ҳамда партиявий ғоя ва мақсад-

лар тарғиботига қаратилган кўплаб тадбир ҳамда учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. «Мурувват» МФЙдаги бугунги тадбир, асосан, мустақиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш масаласига бағишланди.

Инсон қадр-қиммати юксак қадрланаётган юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги, манфаатлари юқори даражага кўтарилиб бормоқда.

ки, шахримизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кўплаб чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилнинг юртимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши ва шу асосда Давлат дастурининг ҳаётга таъбиқ этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида маҳалланинг ролини янада кучайтирди.

Маҳаллалар ободлиги, оилалар тинчилиги ва осойишталиги, кексао ёшлар меҳр-оқибати, турмушимиз файз-баракати учун ҳамма бирдек ҳаракат қилаётгани қувонарли, албатта. Тадбирда сўзга чиққан маҳалла фаолларида М. Маслова, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари салибови тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилингани оила, маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш, жамиятда барқарорлик ва тотувлиқни таъминлашга хизмат қилди.

Бундай ғоя ва амалий ишлар замирида халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тарақиётини юксалтириш каби эзгу мақсад-муддоа мужассас.

Навоий шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳида ЎзМТДПдан сайланган 9 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Урол САНОҚУЛОВ, Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

MILLIY TIKLANISH logo and contact information.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолишбер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Гафуржон МУҲАММАДИЕВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Аҳтам ТУРСУНОВ, Исмат ХУДОЕРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.